

МАМЛАКАТИМИЗДА КАМБАГАЛЛИК МУАММОСИ ВА УНИ  
КАМАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Ядгарова Малика Лутпиллаевна  
ТМИ “Банк ҳисоби ва аудити”  
кафедраси катта ўқитувчиси  
Email: [malika35@bk.ru](mailto:malika35@bk.ru)  
Тел: +998 903164400

Ядгарова Малика Лутпиллаевна  
ТФИ, старший преподаватель кафедры  
“Банковский учет и аудит”

*Yadgarova Malika Lutpillayevna  
Tashkent Financial Institute,  
senior lecturer of the department  
"Banking Accounting and Audit"*

ПРОБЛЕМА БЕДНОСТИ В НАШЕЙ СТРАНЕ И ВОПРОСЫ ЕЕ  
СОКРАЩЕНИЯ

THE PROBLEM OF POVERTY IN OUR COUNTRY AND ISSUES  
OF ITS REDUCTION

**Аннотация:** Мақолада камбағаллик тушунчаси, унинг сабаблари, белгилари ва бартараф этиш чоралари бугунги куннинг долзарб вазифаси эканлиги акс этган. Камбағалликни аниқлаш категориялари, кўп ўлчовли қашшоқлик индексларини ишлаб чиқиши ва уни мезонлари, камбағалликни бартараф этишининг синалган ва самарали усуллари ёритилган.

**Калит сўз:** кам таъминланган оиласлар, аҳоли турмушки, аҳоли даромади, камбағаллик, қашшоқлик, даромад, кўп ўлчовли қашшоқлик индекслари, молиявий маҳрумлик, молиявий саводхонлик, қашшоқлик сабаблари.

**Аннотация:** В статье изучено понятие бедности, ее причины, признаки и меры по ее устранению являются актуальной задачей сегодняшнего дня. Освещены категории определения бедности, разработка индексов многомерной бедности и их критерии, испытанные и эффективные методы борьбы с бедностью.

**Ключевые слова:** малообеспеченные семьи, население, бедность, нищета, доход, индексы многомерной бедности, финансовый недостаток, финансовая грамотность, причины бедности.

**Annotation:** The article studied the concept of poverty, its causes, signs and measures to eliminate it are an urgent task of today. The categories of poverty definition, the development of multidimensional poverty indices and their criteria, proven and effective methods of combating poverty are highlighted.

**Key words:** low-income families, population, poverty, income, multidimensional poverty indices, financial disadvantage, financial literacy, causes of poverty.

**Кириш.** Камбағаллик яқин қунларда пайдо бўлган тушунча эмас. Китобий тилда камбағаллик бу – меҳнат қилиш, авлодлар узвийлигини давом эттириш,

ҳаётай эҳтиёжларни қондириш имкониятига эга бўлмаган шахс ёки ижтимоий гурухларнинг иқтисодий ҳолатларини ифодаловчи кўрсаткич дейилади. Камбағаллик нисбий тушунча бўлиб, ҳар бир жамиятда қабул қилинган турмуш даражасининг умумий стандартига боғлиқ бўлади.

Камбағалликка фанда аниқ таърифлар берилган, мазкур тушунча нимани англатишини ҳамма билади. Яқин даврларгача ахолининг “кам таъминланган” деб аталаётган қатлами сўнгги йилларда камбағал дея атала бошлиши мамлакатимизда мазкур муаммонинг мавжудлиги ва уни ечими йўлларини излаш зарурлигини билдиради. Ушбу муаммо хозирда қун тартибига чиқганлиги ва Ўзбекистонда бу муаммога қарши курашнинг долзарблигига жавобни мамлакатимиз президентининг 2020 йил 24 январь куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасидан топиш мумкин.

“...Бир оиласда машина ҳам, — чорва ҳам бўлиши мумкин, лекин бир киши оғир касал бўлса, оила даромадининг камида 70 фоизи уни — даволатишга кетади. Хўш, бундай оилани ўзига тўқ дейиш мумкинми? Президент сифатида мени одамларимизнинг овқатланиши, даволаниши, болаларини ўқитиши, кийинтириши каби ҳаётай эҳтиёжлари нима бўляпти, деган савол ҳар куни қийнайди...” Камбағалликни камайтириш ойлик ёки нафақа миқдорини - кўпайтириш, ёппасига кредит бериш, дегани эмас. Бунинг учун, энг аввало, ахолини касбга ўқитиши, молиявий саводхонлигини ошириш, одамларда тадбиркорлик ҳиссини уйғотиши, инфратузилмани яхшилаш, фарзандларини ўқитиши, сифатли даволаниш, манзилли нафақа тўлаш тизимини жорий қилиш керак<sup>1</sup>.

### Тадқиқот методологияси

Мазкур тадқиқотда диалектик мантиқ, илмий билиш, индукция ва дедукция, таққослаш, иқтисодий-статистик ва умумлаштириш, эксперт баҳолаш усусларидан шунингдек, мавзуга оид хорижий ҳамда маҳаллий олимларнинг тадқиқот ишларидан кенг фойдаланилди

### Мавзуга оид адабиётлар шарҳи.

Абхиджит Банерджи, Эстер Дюфло “Экономика бедных”<sup>2</sup> китобида камбағалликга фақатгина тўйиб овқат емаслик, касаллик, ишсизлик сифатида қараш керак эмас, унинг келиб чиқиш сабаблари тарихий, иқтимий ва бошқа шароитлар оқибати ҳам бўлиши мумкин деган фикрни илгари суради. [3 Б.16]. Банерджи ва Дюфло бу борадаги олиб борган илмий тадқиқотлари натижасида Нобель мукофотига сазовор бўлишади. Д.Гараеванинг фикрига кўра камбағаллик – бу ахолининг хаёт сифат даражасини тушишини англатади. [4 Б.87].

Жаҳон амалиётида камбағалликни аниқлашда беш хил ёндашув мавжуд. Буларга тирикчилик воситаларидан маҳрумлик кўринишидаги камбағаллик, тенгсизлик кўринишидаги камбағаллик, маданий камбағаллик, эксплуатация кўринишидаги камбағаллик ҳамда таркибий камбағалликлардан иборат экан.

БМТ Европа Иқтисодий комиссиясининг “Камбағалликни ўлчаш бўйича

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси <https://www.gazeta.uz/uz/2020/01/24/president-speech/>

<sup>2</sup> Абхиджит Банерджи, Эстер Дюфло. «Экономика бедных» 2021г..Изд. Институт Гайдар 17-19 стр.

қўлланма” сидан таърифига кўра, камбағаллик инсоннинг ҳаёти давомида танлов ва имкониятларга эга бўлмаслиги, жамиятда тўлақонли иштирок этиш учун тўсиқларнинг мавжудлиги, бундан ташқари, оиласини боқиши ва кийинтириши, таълим олиши ёки қасалхонада даволаниши, бирор соҳада фаолият юритиши ёки даромад олишга имкон берадиган меҳнат билан таъминлаш имкониятлари этишмаслиги каби чекловларда намоён бўлади<sup>3</sup>. [2 Б.7]. БМТ томонидан эълон қилинган “Инсон тараққиёти тўғрисида”ги ҳисоботда инсон тараққиёти бир жумла билан қўйидагича ифодаланган: “Тараққиётнинг асл мақсади – одамларнинг танлаш имкониятларини оширишдир”. Бу тушунчанинг замирида узоқ, соғлом ва ижодий ҳаёт кечириш кўникмаси ётади. Бошқа имкониятларга сиёсий эркинлик, кафолатланган инсон хуқуқлари ва ўз-ўзини ҳурмат қилиш киради - Адам Смит буни бошқалар билан боғланиш ва "уялмасдан омма олдида қўриниш" деб атаган. Шу нуқтаи назардан қараганда, қашшоқлик танлов ва имкониятга эга бўлмаслик ёки амалга ошира олмаслик, бу инсон қадр-қимматини поймол қилишдир.

Шу билар бирга, мамлакатимиз олимларидан Узаков К.П. “Камбағаллик-бу ўз эҳтиёjlари учун пул етишмаслиги” дея таърифлаб, уни қисқартиришда аҳоли бандлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратади<sup>4</sup>. [12 Б.579]. О.Мусаев[5 Б.29], Мелибоев А. М. Ядгарова [15 Б.16]. ушбу йўналишда изланишлар олиб бориб, фикр билдиришган.

Хозирда аҳоли турмуш даражасини ошириш, молиявий саводхон қатламни шакллантириш, мамлакатни ривожлантириш ва камбағал қатламни камайтириш масалалари долзарб бўлиб қолмоқда.

### **Таҳлил ва натижалар.**

Камбағаллик жамиятда чинакам иштирок этиш учун асосий имкониятларнинг етишмаслигини англатади. Бу оилани боқиши ва кийинтириш, мактабга бориши ёки қасалхонада даволаниш, ўз ерларида озиқ-овқат етиштириш ёки тирикчилик қилиш имконини берадиган ишга эга бўлиш имкониятларининг йўқлиги, шунингдек, яшаш имкониятининг йўқлигига намоён бўлади. Қашшоқлик одамларнинг, уй хўжаликларининг ва жамоаларнинг ишончсизлиги, ночорлиги ва ижтимоий четланишини англатади. Бу зўравонликка қарши заифликни ва қўпинча ривожланмаган ва хавфли жойларда, тоза сув ва канализациядан маҳрум бўлишни англатади .

Шунингдек, камбағаллик бу – инсонлар, уй хўжаликлари ва жамоаларнинг ижтимоий жиҳатдан чегараланганилиги, хавф-хатарлар олдида чорасизлигидир.<sup>5</sup> Камбағаллар - бу шахслар, оилалар ва гуруҳлар бўлиб, уларнинг ресурслари (моддий, маданий ва ижтимоий) давлатларда минимал мақбул ҳаёт кечиришига тўсқинлик қиласиган даражада чекланган.<sup>6</sup>

Ўзбекистонда камбағал қатлам мавжудлигининг тан олиниши соҳага доир сиёsatнинг дастлабки бурилиш нуқтаси бўлди. Илгари бизда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотларининг камбағалликни қисқартиришга доир

<sup>3</sup> БМТ Европа Иқтисодий комиссиясининг “Камбағалликни ўлчаш бўйича қўлланма” сидан, 2017 йил Нью-Йорк, Женева

<sup>4</sup> Узаков К.П. Камбағалликни қисқартиришда аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари. Academic Research in Educational Sciences. Volume 2 | ISSUE 10 | (2021), –Б. 579-594

<sup>5</sup> Ўша манба

<sup>6</sup> <http://eur-lex.europa.eu/legal-content/EN/TXT/HTML/?uri=CELEX:31985D0008&from=EN>

хужжатлари (Poverty Reduction Strategy Paper) аҳоли турмушини яхшилаш қилиб бироз ўзгартирилган ҳолда бериларди. Яъни камбағаллик атамасига атайин урғу берилмаган. Бундан худди Ўзбекистонда камбағаллик ва камбағал ёки қашшоқ қатлам йўқдек таассурот уйғонган. 2020 йилдан сўнг мана шу масалада ёндашув ўзгарди. Ўша пайтда мамлакатда камбағаллар сони аҳолининг 12-15 фойизни ташкил этиши очик-ошкора айтилди. Бу 4-5 миллион нафарга тенг аҳоли дегани! Демак айтиш мумкинки, ана шу юртдошларимизнинг бир кунлик даромади 10 — 13 минг сўмдан ошмас экан.

Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар марказининг маълум қилишича, ҳозирги кунда камбағал оиланинг шахсий компьютер билан таъминланганлиги республикадаги ўртача оиласдан 12 баробарга, шахсий автомобил билан 11 баробарга, кондиционер билан 8 баробарга, чангюткич билан 4 баробарга, кир ювиш машиналари билан 4 баробарга, музлаткич билан 2 баробарга, телевизор ва уяли алоқа воситалари билан 1,5 баробарга камлиги кузатилади<sup>7</sup>.

Ўзбекистон — аҳоли жон бошига тўғри келадиган миллий даромад кўрсаткичи бўйича ўртача даромадга эга мамлакатлар қаторидан жой олган (киши бошига йилига ўртача 1533 АҚШ доллари). Аслида даромаднинг ўртача даражаси икки гурухга бўлинади. Даромади ўртача даражадан паст мамлакатлар — киши бошига йилига 1036 — 4085 доллар ва даромади ўртача даражадан юқори мамлакатлар — киши бошига йилига 4086 — 12615 доллар. Биринчи гурухдаги мамлакатлар учун мезонлар қабул қилинган. Бу ўлчовлар бўйича киши бошига кунига 3,2 доллар — камбағаллик чизигининг ўртача кўрсаткичи. Миллий даромади ўртачадан баландроқ мамлакатлар учун кунига киши бошига 5,5 доллар камбағаллик чизигининг ўртача кўрсаткичидир.

Демак, айтиш мумкинки, Ўзбекистон учун қашшоқлик чизиги — кунига 3,2 доллардан кам пулга яшаш дегани. Мисол учун, беш кишидан иборат оиланинг ялпи даромади ойига 480 доллар ёки 4,6 миллион сўмдан кам бўлса, бу оилани камбағал, деб ҳисоблаш мумкин.

2018 йилдан буён Жаҳон банки “Тараққиёт стратегияси” маркази билан ҳамкорликда “Ўзбекистон фуқароларини тинглаб” номли лойиҳани амалга ошириб келмоқда. Мазкур лойиҳа доирасида “Марказий Осиёда туманлар миқёсидаги қашшоқлик даражаси, ўртача истеъмол ва аҳолининг ўрта синфи кўрсаткичлари” бўйича ҳисбот тайёрланди. Унда камбағал ва ўрта синф аҳоли яшайдиган туманлар хариталари бутун минтақа, хусусан, Ўзбекистон учун алоҳида келтирилган.

Бу орқали, жумладан, камбағалликни камайтиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар самарадорлигини ошириш ёки маҳаллий даражадаги ижтимоий гуруҳлар муаммоларини ҳал қилиш учун маблағлар ажратилишида фойдаланиш мақсад қилинган. Ана шу таҳлиллар даромадлар тақсимланиши омилларини тушуниш ҳамда керакли чораларни аниқлаш ва ишлаб чиқишида қўлланилади.

<sup>7</sup> news/2021/05/22/ozbekistonda-kambagallik-muammosi-sabablar-va-yechimlar

1-жадвал

**Жаҳон банкининг қашшоқлик даражасини баҳолаш услубиёти<sup>8</sup>**

<p>Жаҳон банкининг қашшоқлик даражасини халқаро миқёсда таққослаш имкониятини яратувчи ягона глобал стандарт баҳолаш услубиёти</p>	<p>Даромад даражаси ўртачадан юқори бўлган мамлакатлар учун <b>5,50 \$</b></p>
	<p>Даромад даражаси ўртачадан паст бўлган давлатлар учун <b>3,20\$</b></p>
	<p>Халқаро қашшоқлик чегараси <b>1,90\$</b></p>

Натижалардан маълум бўлишича, Ўзбекистоннинг аксарият ҳудудларида қашшоқлик даражаси кунига 3,2 долларни ташкил этади. Бу Марказий Осиёнинг бошқа (Тожикистон, Қирғизистон) мамлакатларига қараганда бирмунча паст кўрсаткичdir. Ўзбекистоннинг айrim ҳудудларида даромад нотекис тақсимланган. Камбағалликнинг юқори даражаси Тошкент, Самарқанд, Сурхондарё, Андижон вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасининг айrim туманларида кузатиляпти. Ўрта синф аҳолининг умумий аҳоли сонидаги улушкининг энг паст даражаси ҳам Самарқанд, Сурхондарё, Андижон, Сирдарё, Тошкент, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасининг баъзи туманларида тўғри келмоқда.

Айтиш керакки, 2020 йилдан мамлакатимизда ушбу муаммо борлиги тан олингач, Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш масалаларида алоҳида эътибор қаратила бошланди. Бу соҳада алоҳида давлат органи – Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ташкил этилган.

Келинг, Оксфорд университети инсон салоҳиятини ривожлантириш бўйича мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган қўп ўлчовли қашшоқлик индексларини кўриб чиқамиз. Қўп ўлчовли қашшоқлик индекслари (КЎҚИ). ҳаётнинг барча томонларини қамраб олади, баҳолаб бўлмайдиган кўрсаткичларидан фойдаланиш, масалан: соғлиқ, таълим, яшаш шароитлари, шахсий хавфсизлик, ваколатлар ва бошқалар.

КЎҚИ эркаклар, аёллар ва болалар улушлари бўйича турлича тавсия этилади. Қўп ўлчовли қашшоқликни баҳолаш, биринчи навбатда, иқтисодий ривожланиш даражаси паст, аҳолининг даромадлари ва харажатлари тўғрисидаги статистик маълумотларни тўпламайдиган мамлакатларда кенг тарқалган. Ўртacha иқтисодий даражадаги бир қатор мамлакатларга қўшимча кўрсаткич сифатида КЎҚИ дан фойдаланиш тавсия этилади.

КЎҚИ-камбағалларнинг ўртacha сонини ва маҳрумлик даражасини кўрсатади.

<sup>8</sup> Жаҳон банки маълумотлари асосида тайёрланди.

Миллий даражада кўп ўлчовли қашшоқликни ҳисоблашнинг асосий муаммоси амалга ошириладиган устувор йўналишларни танлаш ўлчовларини амалга ошириш, шунингдек, зарур қўрсаткичларни аниқлаш ва уларни тавсифлашдир. Бунинг учун идоралараро ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган бўлиши керак. Давлат сиёсатининг барча устувор йўналишлари қашшоқлик ва тенгсизликни камайтиришга қаратилган бўлиши мақсадга мувофиқ. Халқаро тавсияларга кўра, кўп ўлчовли қашшоқлик индексини ҳисоблаш учун қуидаги мезонлар қўлланилади.

## 2-жадвал

### Кўп ўлчовли қашшоқлик индекси мезонлари<sup>9</sup>

<b>Саломатлик</b>	1. Оила аъзолари тўйиб овқатланмайди 2. Охирги беш йил ичида оилада фарзанд касалликдан вафот этган
<b>Таълим</b>	3. Оила аъзоларининг ҳар бири камида олти йиллик бошланғич таълим олган 4. Мактаб ёшидаги бола мактабга бормайди
<b>Яшаш шароити</b>	5. Электр энергиясидан фойдаланиш имконияти йўқлиги 6. Тоза ичимлик сувидан фойдаланиш имконияти йўқлиги ёки тоза ичимлик суви манбалари пиёда 30 дақиқадан ортиқ масофада жойлашганлиги 7. Канализация йўқлиги ёки фақат жамоат жойларидаги хожатхонага кириши 8. Овқат пишириш учун ёқилғидан (газ, ўчок) фойдаланиш 9. Турар жойининг материаллари (Тупроқ, лой, қум ва бошқалардан ясалган) 10. Уй хўжалигida автомобил йўқ ва қуидагиларнинг фақат биттаси мавжуд бўлса (радио, телевизор, телефон, компьютер)

Европа Иттифоқи мамлакатларида аҳолининг кам таъминланган қатлами, уларнинг нормал ҳаёт кечиришлари учун маълум товарларни сотиб олишга моддий маҳрумлик сифатида аниқланади. Мамлакатларда асосан қуидагилар бўйича назорат олиб борилган:

- 1) қарзлар мавжудлиги: (ипотека ёки ижарада, коммунал тўловлар ёки бўлиб-бўлиб тўловлар);
- 2) уй-жойни нормал иситилиш;
- 3) кутилмаган харажатлар бўйича тўлов қобилияти;
- 4) гўшт, товук, балиқ истеъмол қилиш ёки вегетариан таомларини сотиб олиш имконияти;

<sup>9</sup> Human Development Reports (UNDP). URL: <http://hdr.undp.org/en/content/multidimensional-poverty-index-mpi>.

- 5) ҳар йили уйдан олисда ҳафталик таътил;
- 6) шахсий автомобил;
- 7) рангли телевизор
- 8) кир ювиш машинаси
- 9) телефон

Шуни айтиш жоизки, Европа Иттилоғига аъзо давлатларда аҳоли турмуш даражасининг ўзгариши сабабли ушбу рўйхатдаги кўрсаткичларнинг бир қисми ўз аҳамиятини йўқотди. Масалан, кир ювиш машинаси, рангли телевизор ёки телефон энди рўйхатларда йўқ. 2016 йилдан моддий маҳрумликни белгилашнинг янги тўплами ишлаб чиқиб маъкулланди<sup>10</sup>:

- 1) уйда шахсий эҳтиёжи учун компьютердан фойдаланиш ва интернетга кириш имконияти;
- 2) эскирган мебелларни алмаштириш;
- 3) эскирган кийимларни янгисига алмаштириш;
- 4) икки жуфт пойабзал (шу жумладан, ҳар қандай об-ҳавога мос келадиган пойабзал) сотиб олиш;
- 5) ойига камида бир марта дўстлар/қариндошлар билан биргаликда кечки овқат (тушлик);
- 6) дам олиш ва дам олиш тадбирларида мунтазам қатнашиш;
- 7) ҳар ҳафта ўз эҳтиёжлари учун оз миқдорда пул сарфлаш.

Рўйхатдаги 1 ва 2 тури бўйича маълумотлар бутун уй хўжалиги учун, 3-дан 7-гача - индивидуал шахслар бўйича тўпланади.

Фикримизча, мазкур индекс мезонлари бўйича мамлакатимизда аҳолининг камбағал қатламини аниқлаштириш имкониятлари ошади ва ушбу масала бўйича аниқ стратегик режалар тузиш имконини беради деб ҳисоблаймиз.

### **Хулоса.**

Ўрта ва узоқ муддатларда камбағалликни қисқартиришнинг стратегик мақсадларини белгилаш мақсадида Жаҳон банки ва БМТ тараққиёт дастури эксперtlари билан биргаликда“ 2021-2030 йилларга қадар Ўзбекистон Республикасида камбағалликни қисқартириш стратегияси” лойиҳаси ишлаб чиқилди. Тўғри Ўзбекистонда мазкур лойиҳани амалга ошириш учун албатта оддийгина демографик ҳолатни ҳам эътиборга олиш зарур. Камбағалликни бартараф этишнинг синалган, тўғри ва энг самарали усули аҳоли бандлиги даражасини ошириш, деб ҳисоблайди олимлар. Одамлар учун уларга муносаб ва даромади юқори иш ўринларини яратиш мақсад сари дадил қадамдир. Бунинг учун қишлоқ жойларда тадбиркорлик учун шарт-шароитлар, бизнес учун қулай муҳит яратиш керак. Президентимиз таъбири билан айтганда, камбағалликни камайтириш — бу аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий, ижтимоий сиёsatни амалга ошириш, демакдир<sup>11</sup>.

Мамлакатимизда янги иш ўринларини яратиш, меҳнат бозорига кириб келаётган мутахассислар сони билан мавжуд иш ўринларининг сони бир-бирига

<sup>10</sup> <https://core.ac.uk/download/pdf/230566768.pdf>

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси <https://www.gazeta.uz/uz/2020/01/24/president-speech/>

номутаносиб. Етарли миқдорда иш ўринлари яратилмагани боис одамлар ишсиз қолмоқда. Шу туфайли ташқи меҳнат миграциясига эҳтиёж пайдо бўлган. Ўзбекистондаги “ортиқча” ишчи кучи шу йўсинда ўз кунини кўриб келмоқда. Тажрибадан маълумки, меҳнат билан банд аҳолининг 80-90 фоизи тадбиркор эмас, ўша тадбиркорга ёки давлат корхона ва идораларига ёлланиб ишлаётган одамлар бўлиб чиқади. Ушбу масалани ҳал қилиш учун эса аҳолининг молиявий саводхонлигини ривожлантириш муҳим деб ҳисоблаймиз.

Меҳнат турларидан касаначиликни ривожлантириш керак. Бунда замонавий машиналар, ускуналар, хом ашё ва материалларни харид қилиш учун молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятини яратиш даркор. Уларга буюртмачилар топишига, тадбиркорлик субъектлари билан кооперациясини кенгайтиришга кўмаклашиш зарур.

Шунингдек, ишга жойлашишга муҳтож шахсларга касбий тайёргарлик, қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимини кенгайтириш, бозор эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, мақбул шарт-шароитлар яратиш, жумладан банклар томонидан хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун таклиф этилаётган кредит турларини таклиф қилиш лозим.

Аҳоли реал даромадлари ва харид қобилиятини ошириш, бунинг учун ижтимоий меҳнат тақсимотини тўғри йўлга қўйиш орқали жон бошига тўғри келадиган товар ва хизматлар ишлаб чиқариш ҳажмини, яъни меҳнат унумдорлигини кескин ошириш даркор.

#### Адабиётлар рўйхати

1. Abdurakhimovna, Joraeva Ramziya. "Lexical-Semantic Features Of Muqimi's Works." Journal of Positive School Psychology (2022): 138-144
2. БМТ Европа Иқтисодий комиссиясининг «Камбағалликни ўлчаш бўйича қўлланма»сидан, (2017) Нью-Йорк, Женева 7-18
3. Банерджи Абхеджит, Дюфло Эстер "Экономика бедных. Радикальное переосмысление способов преодоления мировой бедности" (2021).
4. Гараева Д.Ф. "Бедность как фактор снижения качества жизни населения". Казанский (Приволжский) федеральный университет: "Экономические науки", 2(87). 2012.
5. Доклад о развитии человека, 2010, ПРООН (UNDP), (2010).
6. Musaev Odil, et al. "Socio-philosophical interpretations of such concepts as "ethnos" and "nation" as social unit."." International Journalof Advanced Science and Technology (2020), (29).5
7. Мелибоев А. Камбағаллик феномени, унинг шакллари ва жамиятда намоён бўлиши. Conference on universal science researchn 2023. 196.
8. Обзор международной практики методов оценки многомерной бедности// Статистический бюллетень Статкомитета СНГ. (2017), 1.
9. OECD Framework for Statistics on the Distribution of Household Income, Consumption and Wealth, OECD, Paris, (2013). URL: <https://www.oecd.org/statistics/framework-for-statistics-on-the-distribution-of-household-income-consumption-and-wealth-9789264194830-en.htm>
10. OECD Guidelines on Measuring Subjective Wellbeing. OECD, Paris, (2013). URL: <http://dx.doi.org/10.1787/9789264191655-en>

11. Система национальных счетов 2008, Нью-Йорк, (2012). URL: <http://www.cisstat.org/sna/SNA2008Russian.pdf>.
12. Canberra Group Handbook on Household Income Statistics. Second Edition, United Nations, Geneva, (2011). URL: <http://www.unece.org/index.php?id=28894>.
13. Social Snapshot and Poverty in Armenia, (2016) URL: <https://www.armstat.am/en/?nid=80&id=1819>.
14. Узаков К.П. Камбағалликни қисқартиришда аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари. Academic Research in Educational Sciences. Volume 2 | ISSUE 10 | (2021), –Б. 579-594
15. United Nations. Составление планов выборки для обследований домашних хозяйств: практические рекомендации, ООН, Нью-Йорк, (2010). <https://www.un-ilibrary.org/content/books/9789210563932>
16. Human Development Reports (UNDP). URL: <http://hdr.undp.org/en/content/multidimensional-poverty-index-mpi>.
17. Yadgarova M.L. The relevance of financial literacy of the youth is an important priority of state policy. Asian journal of Research in Banking and Finance.may.(2022)
18. O'zbekistonda-kambagallik-muammosi-sabablar-va-yechimlar.news (2021), (22),05
19. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. [www.gazeta.uz/uz/\(2021\), \(24\)president-speech](http://www.gazeta.uz/uz/(2021), (24)president-speech)
20. Bakhtiyorovich, K. R. (2020). Analysis of Financial Performance of Private Banks in Uzbekistan. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, 24(05).
21. Kurbanov, R. B. (2021). Improving the organization of the resource base of private banks of the republic of Uzbekistan. SAARJ Journal on Banking & Insurance Research, 10(5), 41-45.
22. Ibrahimovich, J. I. (2021). Improvement of central bank's monetary policy. SAARJ Journal on Banking & Insurance Research, 10(5), 26-33.
23. Курбанов, Р. (2022). БАНКЛАР КАПИТАЛЛАШУВ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ. Экономика и образование, 23(4), 96-101.
24. Matyaqubovich, R. A., & Ugli, I. I. S. (2016). Importance of the microfinance institutions in economy. Евразийский союз ученых, (4-1 (25)), 94-96.
25. Jo'raev, I. I. (2020). Strengthening the deposit base of commercial banks of the Republic of Uzbekistan: ifbfd (PhD) dissertation abstract. T.: TMI.